



ТАРЖИМАДА ГЕНДЕР АСПЕКТИ

МУБАРАКОВА ДИЛШОДА

катта қитувчи, ТДШУ

Аннотация. Ҳозирги даврда барча фан тармоқлари каби таржимашунослик ҳам жаҳон таржимашунослиги ютуқларига ҳамоҳанг равишида ривожланиб бормоқда. Албатта бунга мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар асосий замин яратмоқда. Бугунги кунда ўзбек адабиётида барча тур ва жанрлар қатори бадиий таржима амалиётида ҳам ўсиш-ўзгаришлар юзага келмоқда. Дунё халқлари адабиёти намуналарини бевосита ўзбек тилига ўгириш ва ўзбек адабиёти дурдоналарини хорижий тилларга таржима қилиш бобида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Матин таржимасида миллий ўзига хосликни сақлаш ва таржима қилинаётган тилда ҳам буни тоғри ва яққол намоён қилиш зарур саналади. Ўзбек адабиёти намуналарини чет тилларига, жаҳон адабиётининг сара асарларини она тилимизга муносиб тарзда таржима қилиб тақдим этишидек шарафли вазифа бугунги навқирон авлоднинг иқтидори, гайрат-шижоатига боғлиқлиги сир эмас. Шу боис ёшлардан она тилига катта эътибор қаратиш ва уни чуқур ўрганиш талаб этилади. Баъзи тилларда сўзлар грамматик жиҳатдан жинс катигорияларига: максулин (эркак) ва фемин (аёл) ёки бетарафлик (нейтрал) ажратилади. Ўзбек тилида максулин (эркак) ва фемин (аёл) ёки бетарафлик (нейтрал) каби катигориялар бўлмаса ҳам сўзларнинг маъносига қараб жинс катигориялари белгиланади. Масалан: дугона ики аёл ўртасидаги дўстликни аниқлаб фақат фемин (аёл) катигориясига таълуқлидир. Ошина, ўртоқ каби сўзлар эса максулин (эркак) катигориясида тутилади. Бу каби хусусиятларни инобатга олиб бошқа тилга ёки иккинчи тилдан ўзбекчага тўғри таржима қилиш муҳим саналади. Гендер тадқиқотлар жинслараро биологик эмас, балки таржима жараёнида сўзлар, жумлаларни танлаб, керакли ерда ишлата олиш ҳамдир.

Таянч сўз ва иборалар: Таржима, гендер, жинс катигорияси, фемин, максулин.

Аннотация. В настоящее время, как и во всех отраслях науки, переводческое дело развивается быстрыми темпами, синхронно с достижениями мировой переводческой науки. Конечно, основная основа для этого - проводимые в нашей стране коренные реформы. Сегодня в узбекской литературе, как и во всех видах и жанрах, наблюдается рост практики художественного перевода. Ведется большая работа по переводу образцов мировой литературы непосредственно на узбекский язык и переводу шедевров узбекской литературы на иностранные языки. При переводе текста важно сохранить национальную идентичность и правильно и четко выразить ее на переводимом языке. Не секрет, что выполнение почетной задачи по переводу образцов узбекской литературы на иностранные языки и лучших произведений мировой литературы на наш родной язык зависит от таланта и энтузиазма нынешнего молодого поколения. Поэтому молодым людям нужно уделять больше внимания своему родному языку и углубленно его изучать. В некоторых языках слова грамматически делятся на гендерные категории: тахиліне (мужской) и женский (женский) или нейтральный (нейтральный). Хотя в узбекском языке нет таких категорий, как максулин (мужской), женский (женский) или нейтральный (нейтральный), гендерные категории определяются в соответствии со значением слов. Например, *dugona* описывает дружбу двух женщин и относится только к категории женских. Такие слова, как *oshna*, *ortoq*, относятся к категории мақсулина. Учитывая эти особенности, важно правильно переводить на другой язык или со второго языка на узбекский. Гендерные исследования - это не только гендерно-биологические исследования, но и способность выбирать слова и предложения и использовать их там, где это необходимо, в процессе перевода.

Опорные слова и выражения: перевод, гендер, гендерная категория, женский род, максулин.

Abstract. At present, as in all branches of science, translation is developing at a rapid pace, in sync with the achievements of world translation science. Of course, the main basis for this is the radical reforms being carried out in our country. Today, in Uzbek literature, as in all types and genres, there is an increase in the practice of literary translation. A lot of work is being done to translate samples of world literature directly into the Uzbek language and translate the masterpieces of Uzbek literature into foreign languages. When

translating a text, it is important to preserve national identity and correctly and clearly express it in the translated language. It is no secret that the fulfillment of the honorable task of translating samples of Uzbek literature into foreign languages and the best works of world literature into our native language depends on the talent and enthusiasm of the current young generation. Therefore, young people need to pay more attention to their native language and study it in depth. In some languages, words are grammatically divided into gender categories: maxuline (masculine) and feminine (feminine) or neutral (neutral). Although the Uzbek language does not have such categories as maksulin (masculine), feminine (feminine), or neutral (neutral), gender categories are defined according to the meaning of words. For example, dugona describes the friendship of two women and is only feminine. Words like oshna, ortoq belong to the maxulin category. Given these features, it is important to correctly translate into another language or from a second language into Uzbek. Gender studies are not only about gender biology studies, but also the ability to choose words and sentences and use them where necessary in the translation process.

Keywords and expressions: translation, gender, gender category, feminine gender, maksulin

Кириш. Заманавий таржима муаммолари бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган, лекин таржимада гендер аспекти муаммоси тилшунослик тадқиқида ҳали яхши ўрганилмаганлиги кўринмоқда. Айниқса бадий адабиётлар таржимасида гендер хусусиятларини эътиборга олиш ва шунга асосланиб таржима қилиш суғлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан бадий матннинг хусусиятини очиб берувчи, уни таржима қилинаётган тилда ҳам асл матндаги мазмун ва моҳиятини сақлаган ҳолда етказилишида таржима муаммоларига аҳамият қаратиш муҳим ҳисобланади. "Гендер" тушунчаси бошқа ижтимоий фанларга нисбатан тилшуносликда жуда кеч, яъни XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Гендертилшунослик соҳасида илк тадқиқотни америкалик профессор Робин Лакофф олиб борди. У ўзининг "Тил ва аёлнинг ўрни" («Language and Woman's Place», 1975) китобида аёл ва эркекларнинг мулоқот услубларини, нутқ фарқларини тадқиқ этади. Р. Лакофф, назариясига кўра. Аёлнинг оғзаки нутқи эркек билан солиштирганда фарқ қилади. Аёл нуқтада ноаниқликнинг мавжудлиги, суҳбатдошига нисбатан тажовузкорликдан кўра инсонийлик жиҳатининг кўплиги кўринади. Аёл эркеклардан факрли равишда суҳбатдошнинг фикрини тинглайди, суҳбат пайтида ҳукмронлик қилишга интирмайди. Бу ҳолатнинг акси эса эркеклар нутқида кўпроқ намоён бўлади.

Бадий образнинг тасвирланиши турличадир. Гендер аспекти эса аҳамиятли ўринга эгадир. У ёки бу лексиканинг образлар томонидан ишлатилиши ўқувчи онгида гендер хусусиятларини пайдо қилади. Бадий таржима хусусияти шундай иборатки, бадий матннинг тил бирликлари бир неча маъноларни билдириб келади ва бу ўз навбатида гендер аспекти етказишда қийинчиликларга олиб келади. Шу боис гендер хусусиятларини аниқлаш ва уни таржимада бераолиш бадий матн стилистикасини асл ҳолида беришда катта рол ўйнайди. Мақсадни амалга ошириш учун таржима трансформатсияларидан фойдаланмаслик мумкин эмас. Чунки у таржимонга асл матн мазмуни ва моҳиятини тўлиқ етказиб беришда қўл келади.

Маълумки туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида грамматик жиҳатдан жинс категорияси мавжуд эмас. Аммо академик А.Н.Кононовнинг этироф этишича, XIX асрда биологик жинсни ажратишда махсус лексик ва грамматик воситалар мавжуд бўлиб, бу араб тилидаги фемин (аёл) ифодаловчи " – а" нинг кенг равишда қўлланганлигини тарифлайди. Акад. А.Н.Кононов XIX аср манбалари тилида ҳозирги ўзбек тилидан фарқли равишда жинс категориясини шахс отлари билан бирга нарсалар номини билдирувчи айрим отларга ҳам қўшилган, деган фикрни ҳам билдиради. Шу жиҳатдан қуйдагиларни айтиш мумкиндир: =



айрим отлар ўзига боғланган аниқловчи билан жинс ва сонда мослашади. Шуларни ҳисобга олиб, XIX аср ўзбек тилида қисман бўлса-да грамматик жинс категорияси мавжуд бўлган:

= маскулин (*эркак*) : мазкур элчи, мазкур қарған.

= фемин (*аёл*): Санам мазкура, мазкура қизлар, мазкура, қала.

Ҳозирги замон ўзбек тилида *шоир-шоира*, *муаллим-муаллима*, *адиб-адиба* каби айрим жинсни фарқловчи ҳолатлар учраб, улар фақат шахс отларигагина қўшилиб, кишиларнинг биологик жинси фарқланади.

Шундан келиб чиқиб жинс катигориясини икки нуқтаи назардан баҳолаш мумкин: биологик жинс ва грамматик жинс. Грамматик жинс маъносини мавҳум грамматик маъно дейишимизга сабаб, унинг биологик жинсга ҳеч қандай алоқаси йўқ. М аълумки табиий, биологик жинс иккита, грамматик жинс эса кўпчилик тилларда учтагача. Грамматикадаги нейтрал жинсга табиатда мос келадиган жинс йўқ. Ундан ташқари, табиатда жинс тирик организмларга хос нарсас, аммо грамматикада жинс категорияси ўз ичига жонсиз предмет ва ҳодисаларга ажралади. Грамматик жинс категорияси кўпчилик ҳинд-европа тилларига, шу жумладан, немис, франсуз, рус тилларига хосдир.

Бир сўзнинг о ўзи турли тилларда турли грамматик жинсга кириши ҳам мумкин, масалан, рус тилидаги *лошадь* сўзи феминин жинсига кирса, немис тилида эса шу маънодаги *дас Пфферд* нейтрал жинсга, франсуз тилидаги *чевал* сўзи - маскулин жинсига киради.

Рус тилида *девочка* сўзининг феминин жинсга кириши табиий ҳолдир, лекин шу маънодаги немисча *дас Веиб*, *дас Мадчен* сўзларининг нейтрал жинсга киритилади. Шу хусусиятларини назарда тутиб, баъзи олимлар грамматик жинсни иккили категория деб аташса, бошқалари уни тилнинг ўтмишдан бизгача етиб келган қолдиғи деб тушунтиришади.

Грамматик жинснинг яна бир жиҳати шундаки, у тарихан ўзгариши ҳам мумкин. Бир вақтлар рус тилидаги *атом* сўзи феминин жинсига кириб, *атома* деб юритилган, *молекула* сўзи эса, авваллари *маскулин* жинсига мансуб бўлиб, *молекул* деб юритилар эди. Грамматик жинс категориясининг келиб чиқиши то Ўғ ўрисида тилшунослик тарихида ҳар хил қарашлар мавжуд ва илмий тахминлар билдирилган. Маълумки, қадимги инглиз тилида ҳам мазкур категория бўлган. Унинг юзага келиши ҳақида Америка олимлари ўз мулоҳазаларини билдиришган. Масалан, қадимги инглиз тилида *қайиқ* сўзи феминин жинсига мансуб боиган, олимларнинг айтишича, бир вақтлар қайиқнинг олд томони аёл ҳайкали билан безатилган. Ана шу ҳолат бу сўзни қайси жинсга киритилиши масаласини ҳал қилган. Бошқа ҳолларда ҳам шундай сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин, деб тахмин қилишади. Немис олимларининг фикрига кўра одамлар барча кучли, қудратли нарсас ва ҳодисаларни *маскулин* жинсига, гўзал, нозик, нафис нарсаларни феминин жинсига киритишган.

Қўлда ясалган нарсаларни эса нейтрал дея ажратишган. Масалан: тоғ ва гул сўзларини кўрсатишган: дер Берг - маскулин, дие Блуме - феминин жинс. Бу ҳозирги вақтда энг кенг тарқалган фикр бўлса-да, у айрим сабабларга кўра қабул қилинмади. Чунки, биринчидан, немис тилидаги кўп отларни бундай тушунтириб болмайди, масалан, юқорида келтирилган қиз ва аёл сўзлари немис тилида нейтрал жинсга эмас, балки феминин жинсига кириши керак эди, ҳолбуки, бундай эмас, иккинчидан, рус тилидаги гора сўзи немис тилидагидек маскулин жинсига кирмайди, аксинча, у фемининга мансуб. *Цветок* сўзи эса, маскулин жинсига тўғри келади. Демак, умумий тилшунослик нуқтаи назаридан у ҳам нотўғри деб санлади.

Биологик жинс одатда барча тилларда учрайди. Биологик жинсият табиий жинсиятини ифода этган сўзлардир. Масалан: ўзбек тилида *хотин*, *эркак*, *огил*, *қиз*, *аёл*, *ҳоним*, *бек* ..вб.



Шу билан бирга ўзбекчада ҳайвонлар максулин (*эркак*) ва фемин (*аёл*) жинс фарқлилиги ҳам сўзларда ҳам кўринади. Масалан *ҳўкиз, қочқор* эркак жинсини аниқлаб, аёл жинси учун *мол, сизир, ғўнажин, қой* боласига *бузоқ* сўзлари қўлланилади. Қариндош уруғ номлари ҳам максулин (*эркак*) *ота, бобо, ўғил, амаки, почча* ва фемин (*аёл*) *она, амма, қиз, ҳола, қайин сингил, янга* вб. фарқлари кўринади.

Шу сабабдан ўзбек тилида жинс катигориялари

Лексик-семантик усул: 1) - қиз оғил - хола ота - она эркак - аёл.

Морфологик усул: 2) Карим - Карима Нодир - Нодира Салим – Салима, Шоир - Шоира

Синтактик усул: 3) эркак мушук - урғочи мушук

Шу билан бирга ўзбек тилида сўзлар ичида *яширин жинс* (соверт гендер) категорияси ҳам мавжудлиги намоён бўлади. Масалан: *бола, инсон, киши* деган сўзлар максулин (*эркак*) яширин жинсини ифода этади.

Жинс катигориясида чоғриштирувчи (ассосиативе гендер) сўзлар ҳам учрайди ва бу жинс катигорияси сосёкултур жинсиёт сифатида ўзини намоён қилади. Бу каби сўзлар сирасига жамиятда бажарувчиларнинг бажараётган касбларига қараб жинс катигориясига ажралишини кўрсатиш мумкин.

Масалан: *ҳамшира, тикувчи, доя, актриса, фолбин, дугона, канизак, чўри, жувон, отин, уй бекаси, фаришта, ажина, совчи* фемин (*аёл*) сўзлар қаторида турса, *футболчи, вазир, ҳоким, имом, муаззин, табиб, ошпаз, почча, божя, сардор, паҳлавон, аскар, бой, оқсақол, эр, кувёв, ҳоқон* каби сўзларни максулин (*эркак*) жинсини билдирувчи сўзлар сирасига киритилади. Бу сўзлар алоҳида ишлатилганда ҳеч қандай аниқловчи сўзларга эҳтиёж сезилмайди, лекин фемин (*аёл*) жинсини ифода этишда албатта *аёл* сўзини қошиб ишлатишга тоғри келади. Бу хусусият *ҳамшира, тикувчи, доя, энага, фаррош* каби сўзлар учун ҳам таълуқлидир. Сўзларнинг кўпчилиги, асосан касб ҳунарни билдирган сўзлар максулин (*эркак*) жинсида ифодаланади. Масалан: *хайдовчи, қассоб* каби сўзлар.

Баъзи феълларда ҳам жинс фарқлари учрайди: **эмизмок, туғмок, алла айтмок** каби феъллар ҳам фемин (*аёл*) жинси тарафидан ҳаракат бажарилаётганини аниқлатади. Баъзи феъллар ўша халқ маданияти ва қадриятларидан келиб чиққан ҳолда ҳам фақат фемин (*аёл*) жинсга мансуб инсонлар тарафидан амалга оширилиши кутилган. Масалан, **супурмок, бўянмок, гийбатлашмок, қарғамок** в.б. каби.

Демак, инсон жинсда нафақат физиологик жиҳатдан фарқланади, балки унинг атрофидагилар билан муомаласи, нутқи, ва ҳатто, дунёқарашида ҳам жинсдаги о'зига хос, фарқли ёки муштарак жиҳатлар намоён бо'лади. Софья Бабаян бу ҳақда: “Гендер ижтимоий тушунча. Аёл ёки эркакнинг бeнуқсон тимсоли берилган, хронологик ва географик муҳит ранг-баранглиги, миллий анъаналари, этнопсихологияси, дини, тарихи ва миллий менталитети ва бошқаларда ифодаланади” – деб ёзади.

Гендер – умумий мазмунига кўра эркак ва аёллар ўртасидаги фарқ. Иккала жинс вакиллари нутқий хулқини жаҳон тилшунослигида немис олими Жоул Оатес ўзининг “аёл, эркак ва тил” асарида ҳам аёл ва эркакларнинг нутқидаги ўзаро фарқланувчи жиҳатларни очиб беради. У кўпроқ аёл ва эркаклардаги салбий ва ижобий конатассияларни олиб, ўзаро қиёслаб гендер нуктаи назардан тахмин қилади.

Гендер – табиатан белгиланмаган, ижтимоий ҳодисалар ато этган хусусиятлар йиғиндиси. **Гендер** – жинснинг маданий ниқоби, бизнинг ўз ижтимоий-маданий тасаввурларимиз доирасидаги жинс ҳақидаги қарашларимиздир. Бунинг устига жинс, фақат гендер демакдир,



яъни унинг ижтимоийлаштирилиши натижасида жинсни ташкил этган нарсадир. Жинс инсонга тегишли эмас, балки инсон жинсга оиддир, у эса ҳокимият ва тилга эга.

Ҳозирги кундаги гендер муаммосига оид тадқиқотларни В.А.Кирилина икки йўналишга ажратади:

1. Гуманитар фанлар доирасида гендер муаммоси. Бунда сотсиология, психологияда ўрганилган тадқиқотлар тилшунослик учун асос бўлади. Гендернинг категория сифатидаги ва антологик мақоми ўрганилади.

а) гендер таҳлилининг умумилмий принциплари.

- гендер – маданият ва жамият тараққиётининг ҳосиласи бўлиб қиёсий характерга эга; конвенционал моҳият сифатида тан олинади.

- гендер бошқа сотсиомаданий конструктлар каби ўзгарувчандир.

- гендер умумилмий категориядир; ҳар бир фан доирасида гендернинг ўзига хослигини ва қайси методлар ёрдамида ўрганилишини эътиборга олиш керак.

б) гендер таҳлилининг лингвистик принциплари.

Мақсад ва вазифалари: мақоланинг асосий мақсади таржима жараёнида асл матндаги миллий ўзига хосликни сақлаш ва таржима қилинаётган тилда ҳам буни тоғри ва яққол намоён қилиш учун гендер факторларини тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиб беришдан иборат. “Гендер” атамаси 1968-йилда америкалик олим Столлер томонидан илмий муомалага киритилган. Илмий адабиётларда гендер тушунчасининг бир неча талқини мавжуд. Гендер – инглизча “гендер” – “зот” сўзидан олинган бўлиб, жинс тушунчасини физиологик воқелик усткурмаси бўлган ижтимоий қурилма сифатида белгилайди¹.

Усуллар: Мақолани ёзишда ёзишда жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги энг илғор фикрларга, гендер лингвистикасига оид назарий тадқиқотларга таянилди ҳамда ишни бажариш жараёнида умумлаштириш, алоҳидалаш, лексик-семантик таҳлил методларига асосланилди.

Натижалар ва мулоҳаза: Мураккаб ақлий, интеллектуал ва лингвистик жараён саналаган таржима жараёни, таржимондан икки томонлама ижодкорликни талаб қилади. Таржимон аввало бошқа тилда ёзилган матнни шакл ва услубдан ташқари мазмун ва ғояни англаши, лозим. Албатта бу самарали лисоний ва интеллектуал маҳорат талаб қиладиган. Шу боис таржимон ижодкор ҳамдир. Иккинчидан, таржимон матнни грамматик тузилиши, маъно доираси ва шу маънолари билан фарқ қиладиган иккинчи тилга асл ҳолидек етказа билиши зарур. Акс ҳолда матнни фақат сўзларини таржима қилиб, барча мазмуни ва маъноларини тушириб қолдирган ҳисобланади. Шу билан бирга таржима қилинаётган асл матн тилидаги ўзига хос асосларини етказиб берсиҳ ҳам кўзда тутилиши лозимдир. Таниқли рус тарихчиси Василий Осипович Ключевский ёзган эди: “Инсоният жамиятининг, маданиятининг ривожини бутун халқлар маданиятлари ривожини билан боғлиқ”².

Таржима жараёни инсоният сивилизатсиясининг илк босқичида юзага келди ва турли тилли халқлар орасида тижоратни йўлга қойишда ҳам катта рол ойнаш билан бирга тарихий жараёнларни шиддатли ривожлантиришда ҳам обектив таъсир кўрсатди. Бутун дунё миқёсида турли халқларнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорлиги янада кучайиб бормоқда ва бу алоқаларни таржимасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таржима халқларни бири-бирига боғловчи халқа, фан ва маданиятни ривожлантирувчи ва бойитувчи восита, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка асос солувчи кўприк деб қаралади. Икки минг йил муқаддам

¹ Э.Гидденс Социология. – Т. “Шарқ”. 2002., 185-бет.

² Ключевский В. о. Сочинения, т. 1. м., 1956. с. 16.



юнон Ливий Андроник буюк Гомернинг «Одиссея»сини лотин тилига ўтирган. Бу билан у амалий таржимачилик фаолиятига асос солибгина қолмай, балки биринчи бўлиб таржима назариясининг оғир масалаларига ҳам дуч келган. Бироқ Европада таржима муаммолари фақат VIII—IX асрлардан бошлаб чинакамига эътиборни торта бошлади. Бу даврда таржима назарияси фан сифатида эндиgina болалик даврини ўтай бошлаган эди¹. Таржима ҳақида илк назарий фикрлар дастлаб қадим Римда юзага келган эди. Юнон ва лотин тилларини мукамал билган Аристотел, Ситсерон ва Горатсий таржима жараёнида со‘з кетидан қувиш ярамайди, уларнинг ма‘но ифодаларини аввал тарозида о‘лчаб, кейин таржима қилиш ма‘кул, деган фикрни билдирганлар². Кейинчалик Италияда Бартоломео ва Манетти, Францияда дю Белле ва Малерб, Англияда Бекон ва Драйден, Германияда Гёте ва Гумбольт, Россияда Ломоносов ва Сумароков таржима хусусида о‘з назарий тушунчаларини билдириб о‘тганлар.

Бежизга А.С. Пушкин таржимонларни ўз даврининг энг тез воситаси бўлган “Маърифат элтувчи почта отлари”га ўхшатмаган эди. Аммо неча минг йиллик таржима амалиётларига қарамасдан, таржима амалиёти таржима назарияси, илмий принцип ва ғоялар системаси каби баъзи қонун ва қоидалар каби XX аср ўрталарида пайдо бўлди. Бундай сезиларли узилишнинг албатта бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан ҳамма назариялар амалиёт билан бошланади ва амалиёт билан натижалари текширилади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Н.Владимирова, Ж.Шарипов, Ғ.Саломов, Ю.Пўлатов, Ж.Бўронов, А.С.Азнаурова, А.Абдуазизов, Қ.Мусаев, Ғ.Ғафурова, С.Саломова, Н.Комилов сингари таржимашунос олимлар томонидан яратилган илмий тадқиқотлар О‘збекистонда ҳам таржима назарияси борасида кенг ко‘ламда изланишлар олиб борилганидан далолатдир. Улар орасида таржима назариясининг лингвистик тамойилларини яратишда профессор А.В.Федоров изланишларини давом эттирган профессор Ғайбулла Саломовнинг хизматларини алоҳида та‘кидлаб о‘тмоқ о‘ринлидир.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак Инсоният тарихини барча босқичларда бадий адабиёт санъат турларининг бири сифатида ижтимоий тараққиётда катта ўрин тутиб, фаол рол ўйнаб келган. Бунинг сабаби шуки, бадий адабиёт ижтимоий онг шаклларида бири эканлигидир. Адабиётнинг энг асосий вазифаси инсоншуносликдир. Ҳақиқатдан ҳам, бадий асарда тасвирланган ҳар бир образ бевосита инсон ёки инсон билан боғлиқ нарсга ва ҳодисалардан иборатдир. Шу боис таржимага муайян тилдаки бир жумлани гўзал тасвири деб қарасак, ўша тасвирдаги гўзалликни бошқа бир тилдаки сўзлар ёрдамида ифодалай олиш санъати дейишимиз мумкин. Бу шунчаки маълум тилдан бошқа бир тилга сўзларни ўгириш жарёнигина бўлиб қолмасдан, ушбу икки халқ маданияти таъсирида шаклланган миллий сўзлашув услубларининг ўзаро тўқнашuvi натижасида вужудга келадиган санъат асари дея тушуниш мумкин. Шу ўринда ўзбек тили ўзининг бой лексикаси билан дунё тиллари орасида ўзига хос ўринга эга. Бошқа тиллардан ўзбекчага таржима қилишда ва ўзбек тилидан бошқа тилларга таржима қилишда бу каби сўзларга албатта эътибор қаратиш зарур. Чунки асар руҳияти, моҳияти ва энг асосийси озбек тилининг сўз бойлигини кўрсатиш энг асосий омиллардан бири саналади.



¹ Hamidov X.X. Tarjimashunoslik. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2012. – B.12.

² <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/tarjima-na-zariyasi-fan-sifatida/>